

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"1-Temir beton mahsulotlari zavodi" AJ

Объявление

"1-TEMIR BETON MAHSULOTLARI ZAVODI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДА

«1-TEMIR BETON MAHSULOTLARI ZAVODI» AJ (кейинги - ўринларда Жамият) Кузатув кенгашининг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ номинал қиймати 1 491 (бир минг тўрт юз тўқсон бир) сўмлик 3 000 000 дона оддий акцияларни чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органи томонидан 2023 йил 20 ноябрь куни L0179 – 8 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Акциялар чиқарилиши қарорига асосан Жамият акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан очиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 35-36-моддаларига асосан Жамият акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 14 (ўн тўрт) кун давомида амал қилади.

Жамият акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2023 йил 10 октябрь ҳолатига шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Акциялар сўм қийматда жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Жамиятга тақдим этилиши керак.

Акциялар учун тўловлар пул ўтказиш йўли билан нақдсиз шаклда, жисмоний шахслар пластик карталар орқали ҳам амалга оширилади. Акциялар учун пул тўловлари “1-TEMIR BETON MAHSULOTLARI ZAVODI” AJнинг қуйидаги банк ҳисоб рақамига қабул қилинади: х/р 2021 0000 6001 2495 9005; “InFinBank” АЖ Тошкент вилояти филиали; Банк коди: 01056.

Жамият акциядорлари олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

Қолдиқ ҳосил бўлган ҳолларда, қолдиқ сон 5 (беш) дан ортиқ бўлса, кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Акциядорлар қўшимча маълумотлар олиш учун Жамиятга мурожаат қилишлари мумкин.

23.11.2023

Источник: <https://openinfo.uz/ru/announce/16494/>

Дата: 07.05.2026